

## Ақийда дарслари (70-дарс). Закот



16:04 / 27.01.2020 5981

«**Закот**» сўзи луғатда «поклик» ва «ўсиш» маъноларини билдиради.

Шаръий истилоҳда:

**«Закот махсус молдан, махсус жузни махсус шахсга Аллоҳнинг розилиги учун шариатда тайин қилинганидек мулк қилиб беришдир».**

Закот Қуръон оятлари ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ила фарз бўлган.

Мусулмонлар барча асрларда ва ўлкаларда закотнинг фарзлигига ижмоъ қилишган, яъни бир овоздан: «**Закот - фарз ибодат**», деб айтишган.

Саҳобаи киромлар закотни бермай, уни ман қилганларга қарши иттифоқлик ила уруш қилганлар.

Ким закотнинг фарзлигини инкор қилса, кофир бўлади. У уч марта тавба қилишга чақирилади. Тавба қилса-қилди, бўлмаса, муртад сифатида ўлимга ҳукм қилинади.

Исломга янги киргани туфайли ёки чет жойларда жоҳил бўлиб ўсганлиги учун закотнинг фарзлигини инкор қилган одамга тушунтирилади, ўргатилади, дарҳол **«кофир»** деб ҳукм қилинмайди.

Закот ибодатини бажармаганлар учун бу дунё ва охирада азоблар белгиланган.

**«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан**